
Қува туманида "Яшил макон" лойиҳасига старт берилди

Оммавий кўкаламзорлаштириш тадбирларини Қува тумани ҳокимлиги бошлаб берди.

Қува тумани марказидаги яшил майдонларда ўтказилган "Яшил макон" акциясида Қува тумани ҳокимлиги ходимлари, Экология ва атроф муҳитни асраш Қува тумани бўлими, туман ободонлаштираш бошқармаси мутасаддилари иштирок этдилар.

Қува туманида лойиҳа доирасида куз мавсумида мевали, манзарали ва гул кўчатлари экилиши режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан бошланган лойиҳада Қува туманидаги давлат идоралари, ўқув муассасалари ва корхоналар қатори барча фуқаролар ҳам фаол иштирок этиши кутилмоқда.

Азиз Қуваликлар мазкур лойиҳаларда фаол иштирок этиб туманимизни боғ ичидаги кўркам бир гўшага айлантиришга ўз ҳиссангизни қўшинг.

2022-10-21 00:57:19